

ЧИРОҚЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ
– СОН БАЁННОМАСИ

**Йиғилиш ўтказилган
сана, вақт:**

2018 йил 30 июнь
соат 14⁰⁰
(сиртдан)

**Йиғилиш ўтказилган
жой:**

Қашқадарё вилояти,
Чирокчи тумани.
Мустақиллик кучаси 153 уй.

Мажлисида раислик қилувчи:

Кузатув кенгаши аъзси:
Эролов Шухрат Алимардонович.

Қатнашдилар:

Кузатув кенгаши аъзолари:
Мирзаев Тўлқин Эшқобилович
Сафаров Шухрат Исматович
Рахмонов Жамшид Махмадиевич
Жураев Фарход Жовлиевич

Мажлис котиби:

А.Эшмуродов – Жамиятнинг акциядорлар
билан корпоратив муносабатлар хизмати
бошлиғи.

Кворум:

100 фоиз.

Таклиф этилди:

А.Хаитов – Жамият Бош директори;
С.Муротов – Жамиятнинг молиявий
масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи;
А.Хидирназаров – Тафтиш комиссияси
раиси.

КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатув кенгаши мажлисида раислик қилувчини сайлаш.
2. Жамиятнинг 2017 йиллик ҳисоботини дастлабки тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2017 йил молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш яқунлари ва жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги Тафтиш комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиш.
4. Жамиятда 2017 йил яқунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
5. Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан -Кузатув кенгаши аъзоси **Ф.Жураев** сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши мажлисида раислик қилувчи этиб кенгаши аъзоси **Эролов Шухрат Алимардонович** номзодини кўриб чиқишни таклиф қилди.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кун тартибидаги биринчи масала муҳокама қилиниб, таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 5 нафар;

Қарши– йўқ;

Бетараф– йўқ.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан қарор қилинди:

1. Кузатув кенгаши мажлисида раислик қилувчи этиб – Эролов Шухрат Алимардонович сайлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан - Жамият Бош директори **А.Хаитов** сўзга чиқиб, “Чироқчи пахта тозалаш” АЖнинг 2017 йиллик ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*ҳисобот илова қилинади*).

Кузатув кенгаши аъзоси Ф.Жураев томонидан “Чироқчи пахта тозалаш” АЖнинг 2017 йиллик ҳисоботини дастлабки тарзда тасдиқлаш ва ушбу масалани кўриб чиқиш ҳамда якуний тасдиқлаш учун акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш таклифини киритди.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 5 нафар;

Қарши– йўқ;

Бетараф– йўқ.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан қарор қилинди:

1.Жамиятнинг 2017 йиллик ҳисоботи дастлабки тарзда тасдиқлансин ва ҳисоботни якуний тасдиқлаш учун акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан - Жамият Тафтиш комиссияси раиси **А.Хидирназаров** сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари ва жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги Тафтиш комиссиясининг хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*хулоса илова қилинади*).

Шундан сўнг, Кузатув кенгаши аъзолари томонидан 2017 йил якунлари бўйича жамият Тафтиш комиссияси хулосасини маълумот учун қабул қилиш ва хулосани тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш таклиф этилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 5 нафар;

Қарши– йўқ;

Бетараф– йўқ.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан қарор қилинди:

1.Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари ва жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги Тафтиш комиссиясининг

хулосасини маълумот учун қабул қилинсин ва хулосани тасдиқлаш учун акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан - Жамият Бош директори А.Хаитов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилот сифатида Кузатув кенгаши қарори асосида танланган “Қашқадарё Вақт” МЧЖнинг хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди.

Бундан сўнг, Кузатув кенгаши аъзоси – Ф.Жураев сўзга чиқиб, 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича жамият ижроия органи томонидан тегишли чоралар кўриш кераклигини таъкидлади.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “Қашқадарё Вақт” МЧЖнинг хулосасини маълумот учун қабул қилиш таклиф этилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 5 нафар;

Қарши– йўқ;

Бетараф– йўқ.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан қарор қилинди:

1. Жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “Қашқадарё Вақт” МЧЖнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият Бош директори А.Хаитов 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

3. Жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари кўриб чиқилиши учун жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан – Мажлисида раислик қилувчи – Ш.А.Эролов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ Бош директори А.Хаитовнинг 2018 йил 18 июндаги 461-сонли мурожаати билан таништирди (*Мурожаат илова қилинади*).

Мурожаатда жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини 2018 йил 30 июнь куни соат 10:00га чақириш ва йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидагича таклиф киритилган.

Жумладан:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.

4. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.

5. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.

6. Жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2017 йиллик ҳисоботини ва 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.

9. Жамиятнинг 2015-2016-2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарорида пахта тозалаш корхоналари томонидан 2017-2018 йиллар якуни бўйича ҳисобланадиган дивидендларни капиталлаштириш белгиланган.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 3 580 510 минг сўм миқдорида тузилади ва 2018 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 8 831 925 минг сўм, яъни устав капиталнинг 37 фоизини ташкил этади.

Жамият захира фонди белгиланган миқдорда шаклланганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарорини инобатга олган ҳолда, жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича 2 529 950 минг сўм соф фойдасини тўлиқ (100 фоиз) жамиятнинг устав фондиди унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтириш бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш тавсия этилган.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

12. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

13. 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

Ҳозирги кунгача жамиятга қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар келиб тушган.

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси	Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда	Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
-----	-------------------------------	-----------------	---	--

1	"KONC AUDITINFORM AGENTLIGI" МЧЖ	21.05.2018й. 43/3-сон	5 000,0	9 000.0
2	"ZAMIN OIL-AUDIT" МЧЖ	05.03.2018 йил №20	8 000,0	
3	"AUDIT-HISOB-MARKAZI" МЧЖ	07.05.2018 йил №03-17/1117	7 000.0	8 000,0
4	"NAZORAT-AUDIT AUDITING COMPANY" Аудиторлик ташкилоти	21.05.2018 йил №02/А3		10 000.0
5	"DIPLOMAD-AUDIT: МЧЖ Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (МСО	05.07.2018йил №10/33		5 000.0
6	"DIPLOMAD-AUDIT: МЧЖ Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (МСО)	05.07.2018 йил №10/33		5 000,0

14. Жамиятнинг эълон қилинган акцияларини энг кўп миқдорини белгилаш.

15. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги, "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, "Ижроия органи тўғрисида"ги ва "Тафтиш комиссияси тўғрисида"ги Низомларни тасдиқлаш.

17. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

18. Жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

19. Жамиятни узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

20. Жамият томонидан 2017 йил давомида амалга оширилган ҳомийлик ва беғараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатиغا олиб бориш.

2017 йилда 217 727.0 минг сўмлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида ҳомийлик ва беғараз ёрдамлар амалга оширилган.

21. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

22. Жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан қўшимча акциялар чиқариб акциядорлар ўртасида жойлаштириш орқали устав фондини ошириш

Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилинини ўтказиш мақсадида жамият Бош директори бошчилигида ишчи-гуруҳи тузилган бўлиб, мазкур ишчи-гуруҳининг хулосасига асосан 2018 йил 01 июнь ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган, жамиятнинг дебиторлик 166 189.0 минг сўмлик ҳамда 112 339,0 минг сўмлик кредиторлик қарздорликлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 75-моддасига мувофиқ жамият Кузатув кенгашининг ваколати доирасига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш киритилган.

Кун тартибидаги масала юзасидан кузатув кенгаши аъзолари жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш масаласини муҳокама қилдилар.

Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш ва кун тартибини белгилаш таклифи киритилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 5 нафар;

Қарши– йўқ;

Бетараф– йўқ.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан қарор қилинди:

1. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2018 йил 30 июнь куни Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси №153-уй “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залига соат 10-00 га чақирилсин.

2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича белгилансин:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.

4. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.

5. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.

6. Жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2017 йиллик ҳисоботини ва 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.

9. Жамиятнинг 2015-2016-2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

12. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

13. 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

14. Жамиятнинг эълон қилинган акцияларини энг кўп миқдорини белгилаш.

15. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш.

17. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

18. Жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

19. Жамиятни узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

20. Жамият томонидан 2017 йил давомида амалга оширилган ҳомийлик ва безғараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатиغا олиб бориш.

21. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришнинг кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

22. Жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан қўшимча акциялар чиқариб акциядорлар ўртасида жойлаштириш орқали устав фондини ошириш.

3. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган 2 529 950 минг сўм миқдордаги соф фойдасини тақсимлашда Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қуйидагича тавсия этилсин:

Жамият захира фонди белгиланган миқдорда шаклланганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарорини инобатга олган ҳолда, жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича 2 529 950 минг сўм соф фойдасини тўлиқ (100 фоиз) жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтирилсин.

4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2018 йил 26 июнь куни белгилансин. Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри 2018 йил 27 июнь ҳолатига шакллантирилсин.

5. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун уч кишидан иборат, яъни жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи-Эшмуродов Абдираим Худойбердиевич, Маскан ҳисобчиси Холлиев Фарход Қузибоевич, ҳамда Ижро назорати ноziри

Чухмаров Баходир Эгамназаровичлар санок комиссиясига тавсия этилсин.

6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилсин.

7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалари юзасидан тегишли ахборот (материаллар) қонунчиликда кўрсатилган тартиб ва ҳажмда акциядорларга тақдим этилиши таъминлансин.

8. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

9. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ваколати жамият Кузатув кенгаши аъзоси Жумаев Акмал Ярашовичга берилсин.

10. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги масаласининг ижросини таъминлаш жамият Бош директори А.Хаитов зиммасига юклатилсин.

Мажлиса раислик қилувчи:

Ш.А.Эролов. /  /

Кузатув кенгаши аъзолари:

Т.Ш.Мирзаев. / _____ /

Ш.И.Сафаров. / _____ /

Ж.М.Рахмонов. / _____ /

Ф.Ж.Жураев. /  /

Йиғилиш котиби:

А.Х.Эшмуродов. /  /

Мазкур Кузатув кенгаши баённомаси билан танишдим ва бир нусхасини олдим

Жамият Бош директори

А.О.Хаитов /  /

Баённома имзоланган сана: “_” июнь 2018 йил.